САИДЖАЛОЛОВ Саидафзал
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ кафедраси доцент в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
saidafzalsaidjalolov@gmail.com

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

ВАЖНЫЙ КРИТЕРИЙ НАЦИОНАЛЬНОГО ПРОГРЕССА

AN IMPORTANT CRITERION OF NATIONAL PROGRESS

Аннотация. *Мазкур мақола Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни, моҳияти ва тарихий аҳамиятини очиб беришга қаратилган.*

Калит сўзлар: *юксалиш, тараққиёт, виждон эркинлиши, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, инсон қадри, тинчлик, барқарорлик, ижтимоий ҳамкорлик*

Аннотация. *Целью данной статьи является раскрытие содержания, сути и исторического значения реформ, реализуемых в новом Узбекистане, направленных на дальнейшее укрепление гарантий права граждан на свободу совести и вывод реформ в религиозно-просветительской сфере на новый уровень.*

Ключевые слова: *рост, развитие, свобода совести, религиозная терпимость, международная гармония, человеческое достоинство, мир, стабильность, социальное сотрудничество.*

Annotation. *The purpose of this article is to reveal the content, essence and historical significance of the reforms being implemented in the new Uzbekistan, aimed at further strengthening the guarantees of citizens' rights to freedom of conscience and taking reforms in the religious and educational sphere to a new level.*

Keywords: *truth, development, freedom of conscience, religious tolerance, international harmony, human dignity, peace, stability, social cooperation*

КИРИШ

Янги Ўзбекистон тушунчаси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган онларда Ватанимизнинг турли соҳаларда тараққий этаётганини ҳар бирт онгли инсон яхши англайди. Миллий мадҳиямизда мудом янграйдиган сатрлар мазмунини бугун тўлақонли равишда англаяпмиз: “Оламни маҳлиё айлаган диёр”. Янги Ўзбекистон шукуҳи бугун она гулларга бурканаётган юртимизнинг ҳар гўшасида уфурмоқда. Янги Ўзбекистон шукуҳи олам аҳлини ўзига чорламоқда. Сўнгги саккиз йилда амалга оширилган тарихий ислоҳотлар, ҳар бир инсон сезаётган ижобий ўзгаришлар миллий юксалишдан дарак бермоқда. Юксалиш руҳи Ватанимиз сарҳадлари бўйлаб кезмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Виждон эркинлиги масаласи бевосита ҳар бир инсоннинг онгу шууридан ўрин олган тушунча. У эътиқод қилиш ёки қилмаслик борасидаги танлов ва эркинликни ифода этади. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган оламшумул ташаббуслардан бири – инсон қадри тамойили, ҳар бир инсон қадр ва эъзозга муносиблигига олий даражада эътибор намунаси. Виждон эркинлиги ҳар бир инсоннинг ҳурлиги, озодлиги ва бошқалар билан тенг ҳуқуққа эгалигини намоён этади.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” бир неча бор Қонун қабул қилинди. Аммо соҳага Президент даражасидаги эътибор Янги Ўзбекистон шароитида амалга ошди. 2018 йил 16 апрелда тарихимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Улкан ижобий ўзгаришларга асос солган мазкур олий ҳужжатда “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси соҳанинг устувор вазифаси этиб белгиланди. Илм-маърифат билан барча масалаларни ҳал этиш маъносини ўзида ифода этган мазкур

 ISSN 2181-9572

эзгу тамойил асосида мамлакатимиз барча ҳудудларида: қишлоқ ва маҳалла фуқаролик йиғинларида, мактаб ва коллежларда, давлат ва жамоат ташкилотларида, хусусий муассаса ва корхоналарда тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали теле ва радиокўрсатувлар тақдим этилди. Илмий ва илмий-оммабоп мақолалар нашр этилди. Ортда қолган саккиз йилда диний-маърифий соҳада амалга оширилган ижобий ўзгаришларнинг барчасини кичик бир мақолага сиғдириш мушкул масала.

2025 йил 21 апрелда давлатимиз раҳбарининг «Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳага Президент даражасида берилаётган доимий эътиборнинг муҳим намунаси бўлди. Яна бир тарихий воқеага гувоҳ бўлган фуқароларимиз, хусусан, шу соҳага муайян даражада алоқадор бўлган барча юртдошларимизнинг ишончига ишонч, қувончига қувонч қўшилди.

Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини миллий юксалишнинг муҳим мезони сифатида эътироф этиш ўринли. Зеро, Фармонда Юртимизнинг жаҳон цивилизациясининг муҳим бешиги сифатидаг мақоми ва нуфузини тиклаш бўйича пухта ўйланган изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланган. Мақом – дунё ҳамжамиятдан муносиб ўрин эгаллашни англатса, нуфуз – таъсирли салоҳият ва қудратни, соддароқ тушунтирганда, тараққиёт ва юксалишни ифодалайди. Инсон манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйган Янги Ўзбекистонда инсон онгини турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳам унинг манфаатлари сирасига киришини мазкур Фармон ҳар жиҳатдан асослаб берди.

Жамиятда виждон эркинлигини кафолатлаш, диний бағрикенглик, фуқароларо тотувлик ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида **“Бағрикенг жамият – барқарор давлат”** тамойили асосида Дин ишлари бўйича қўмита билан (кейинги ўринларда – Қўмита) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг янги ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш белгиланди. Бугун ижтимоий тармоқлар орқали турли радикал ғоялар одамлар онгини забт этишга, она халқимизнинг асрлар давомида турли дин ва эътиқодларни ўзида жам этган кенг бағрини тор қилиб, ўзаро адоват ва нафратни, худбинлик ва зўравонликни, ихтилоф ва зиддиятларни авж олдиришга ҳаракат қилаётган бир вақтда миллатимиз, халқимиз ва давлатимиз учун бағрикенгликни ифодалайдиган барча фикрлар, ғоялар, қарашлар сув ва ҳаводек зарур.

Оилада, маҳаллада, жамиятда кўзга ташланаётган салбий муносабатлар ортида тор фикр, савиясиз дунёқараш, тақлидга қурилган тафаккур тургани маълум ҳақиқат. Доно халқимизнинг “Кенг феъл, кетмас давлат берсин” деган эзгу тилагига ҳамоҳанг бағрикенглик ижобий ислоҳотларнинг, тараққиёт ва юксалишнинг муҳим асоси эканида шубҳа йўқ. Донишмандлардан бири: “Олам саодати ўн қисм бўлса, тўққизи кечиримлиликда, бағрикенгликда” дегани бежиз эмас. Тинчлигимиз, осойишталигимиз, омад ва муваффақиятимиз, бахту саодатимиз асоси бағрикенглик, бағрикенглик, яна бир бор бағрикенгликдир.

Фармонда белгиланган диний-маърифий соҳанинг дастлабки устувор вазифаси: “жамиятда диний бағрикенглик ва конфессияларарo тотувликни янада мустаҳкамлашга оид илғор механизмларни жорий этиш”дир. Бу вазифа соҳада фаолият олиб бораётган ҳар бир зиёли, руҳоний, муаллим ва мударрис зиммасига фаолиятини бағрикенглик тамойили асосида олиб боришини, илм-фан технологиялари ютуқларидан бағрикенгликни мустаҳкамлаш йўлида фойдаланишини тақозо этади. Инсоннинг дин ва эътиқодга муносабатидан қатъи назар Бани Башар авлоди эканини, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга экани, ҳеч ким эътиқоди ва дини сабаб камситилмаслигини ифодалайди бағрикенглик.

Инсонпарварлик, эзгулик ва тинчлик каби умуминсоний ва олийжаноб тамойиллар билан ҳамоҳанг бағрикенглик. Алишер Навоий тимсолида инсониятга фақат эзгулик соғинишни тақозо қиладиган бағрикенглик: “Кимга қилдим бир вафоким, Юз жафосин кўрмадим, Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим” дея

фарёд этса-да, инсоният яхшилик қилишдан тўхтамаган, халқ дардида ғам чекишни инсонийликнинг асосий мезони деб билган улуғларимиз бағрикенглиги. Фармонда "илм-фан ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларнинг ва бағрикенглик каби умуминсоний ва олийжаноб ғояларга асосланган диний-фалсафий меросини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш" соҳанинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Бугун бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат руҳини кучайтириш йўлида илмий тадқиқотлар, нашрлар, мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар подкастлар жуда долзарб. Фармонда: "аҳоли орасида бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат руҳини кучайтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган долзарб илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш" вазифаси белгиланган.

Бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби тушунчаларни ҳамма бирдек яхши кўради. Дунёда соғлом фикрли инсон борки, бу олийжаноб тамойилларни олқишлайди. Лекин бу юксак фазилатларни аҳоли, хусусан, ёшлар орасида қандай тарғиб этиш керак, бу борада инсон онгига ижобий таъсир қилувчи илмий ютуқлардан фойдаланишни қандай йўлга қўйиш қабилидаги саволларга жавоб топиш соҳанинг ҳар бир вакилининг долзарб вазифаси экани шубҳасиз.

ХУЛОСА

Таълимда фаолият олиб бораётган ҳар бир профессор-ўқитувчи Устоз деган улуғвор номга муносиб бўлиши, 40 ёки 80 дақиқалик машғулот давомида унга кўзини, қулоғини, онгу шуурини ва ўз келажагини топширган, қалби мусаффо ва беғубор ёш авлодга бағрикенглик намунасини кўрсатиши, самимият ва фидойилик билан инсонпарварлик, эзгулик, тинчлик каби умуминсоний ва олийжаноб ғояларни сингдириш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шунда биз 2025 йил 21 апрелда муҳтарам Президентимиз имзолаган «Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг моҳиятини англаган, ундаги устувор вазифаларни ўз ҳаёти ва фаолияти татбиқ қилган инсон юксалади, тараққий этади, эзгу орзу-мақсадларига эришади. Зеро, мазкур Фармон, ҳеч шубҳасиз, миллий юксалишнинг муҳим мезонидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон" НМК, 2023.
2. Мирзиёев Ш, Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: "Ўзбекистон" НМК, 2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. https://lex.uz/uz/docs/7486257.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси. https://docs.un.org/a/res/73/128.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни. https://lex.uz/docs/5491534.
6. "Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун. https://lex.uz/ru/docs/7404923.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни. https://lex.uz/uz/docs/3841957.

ISSN 2181-9572